# Qishloq hayoti

2013 йил — Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 14-IYUN, JUMA, 73 (8154)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ҚАРОРИ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз шу йил 1 сентябрь куни Ўзбекистон давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик тўйини катта тантана, шоду хуррамлик билан кенг нишонлайди.

Биз учун энг улуғ, энг азиз айём бўлмиш Мустақиллик байрамини марказда ва жойларда ҳар томонлама чуқур тайёргарлик билан кутиб олиш мамлакатимизда эзгу анъанага айланиб қолган.

Ҳақиқатан ҳам, умуммиллий байрамимиз бўлган бу қутлуғ сана ҳақида сўз борар экан, ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни холисона сарҳисоб қилиб, бугунги ютуқ ва марраларга аввало қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига эришганимизни яна ва яна бир бор кўз ўнгимиздан ўтказишимиз табиийдир.

Мустақиллик байрамининг йигирма икки йиллигини юксак савияда, муносиб тарзда нишонлаш мақсадида:

**1.** Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика ва ҳудудий комиссиялар Мустақиллик байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда уюшқоқлик билан, кўтаринки руҳда ўтказишга қаратилган, **"Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!"** деган шиорни асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

**2.** Дастурни тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

мустақиллик – бу аввало ҳуқуқ эканини, фақат мустақиллик орқалигина шахс ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва ғурурини англаши, истиқлол юртимизда яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили эканини кенг очиб бериш;

халқимиз ўтган даврда турли синов ва қийинчиликларга қарамасдан, ўзининг мустаҳкам иродаси, қатъият ва матонати, истиқлол ғояларига садоқатини намоён этиб, жаҳон майдонида муносиб ҳурмат-эътибор қозонганини чуқур таҳлиллар орқали кўрсатиш;

Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли – ўзбек моделининг мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танланганини, ўтган йиллар давомида бу йўл юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятимиз ҳаётида синовдан ўтиб, амалда ҳар томонлама ўзини оқлагани ва бугунги кунда амалий натижасини бераётганини аҳоли ўртасида ўтказиладиган ташвиқот-тарғибот ишлари, жонли суҳбат ва мулоқотларнинг асосий йўналиши деб қабул қилиш;

мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб белгилаб олинган "Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган, одамларимиз қалбидаги эзгу орзу-интилишларни яққол ифода этган олижаноб даъват халқимизни ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида сафарбар этгани, юртдошларимизнинг юрагига чуқур кириб боргани истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратиш;

мустақилликка эришиш арафасида ва истиқлолнинг дастлабки йилларида, мамлакатимиз кескин ижтимоий муаммолар гирдобида қолиб кетган таҳликали бир пайтда мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш мақсадида амалга оширилган ислоҳотлар моҳиятини теран акс эттириш. Жумладан, ғоят оғир айни ўша шароитда аҳолига қўшимча томорқа ерлари ажратиш ҳақидаги фармон ва қарорлар қабул қилингани, шу асосда Ўзбекистон бўйича 2,5 миллион оилага ҳаммаси бўлиб 700 минг гектар суғориладиган ер томорқа сифатида хусусий мулк қилиб берилгани қишлоқларимизда ижтимоий муаммоларни ечиш, айтиш мумкинки, жар ёқасида турган юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишда улкан тарихий қадам бўлганини чуқур очиб бериш. Ана шундай ўзгаришлар туфайли одамлар дунёда адолат ва ҳақиқат борлигига, мустақиллик ҳар қайси оила, бутун халқимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган бебаҳо неъмат эканига чин дилдан ишонч ҳосил қилгани ва шу каби бошқа мисолларда мустақиллик деган буюк тарихий ҳодисанинг қадр-қиммати ва аҳамияти ҳақида фикр юритиш;

мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллиги, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш, иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаларини модернизация қилиш, илғор техника ва технологиялар билан қуроллантириш, энг замонавий корхоналарни барпо этиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини бугунги талаблар асосида ривожлантириш мақсадида амалга оширилган том маънодаги улкан ишларнинг мазмун-моҳиятини кенг таҳлил қилиш;

истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тикланганини, истиқлол даври Ватанимиз учун чинакам маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлганини ифода этиш;

юртимизда мустақил давлат барпо этиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт даражасига эришиш, Ўзбекистонимизни дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига кўтаришдек улуғ мақсадларни ўз олдимизга қўйиб, бу марраларнинг нақадар буюк ва масъулиятли эканини ўзимизга чуқур тасаввур қилган ҳолда, ана шундай юксак уфқлар сари дадил бораётганимизнинг энг асосий омил ва мезонларини кенг ёритиш. Бунда, аввало, ўз қадр-қимматини чуқур англаган, мустақил ва эркин фикрлайдиган, бетакрор миллий қадриятларимиз, бебаҳо маданий меросимизнинг муносиб ворислари бўлиш билан бирга, дунё илму фани ютуқларини пухта ўзлаштириб, замон билан ҳамоҳанг бўлиб яшашга, манаман деган давлатлардаги тенгдошлари билан бемалол беллашувга тайёр бўлган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи истиқлол йилларида Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилганини акс эттириш. Қандай оғир бўлмасин, ана шу буюк мақсадни амалга ошириш учун барча куч-қудратимиз ва имкониятларимизни сафарбар этганимиз, шу йўлда аҳамиятини баҳолашнинг ўзи қийин бўлган ишларимизнинг амалий натижаларини кўрсатиш. Бугунги кунда бу ютуқлар ҳаётимизда, мамлакатимиз тараққиётида, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган барқарор ўсиш суръатларида яққол намоён бўлаётгани, камол топаётган фарзандларимиз ҳаётимизнинг асосий, ҳал қилувчи кучи сифатида майдонга чиқаётганини таъсирчан мисолларда ифода этиш.

Юқорида зикр этилган фикрларни бундан ўн олти йил аввал қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ва бошқа муҳим ижтимоий дастурлар таҳлили орқали мамлакатимиз ва дунё жамоатчилигига етказиш;

**(Давоми 2-саҳифада)**

## ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ НУРСУЛТОН НАЗАРБОЕВ 13 ИЮНЬ КУНИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ТОШКЕНТГА КЕЛДИ.**

Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кутиб олди.

Бу галги олий даражадаги Ўзбекистон–Қозоғистон учрашувига анъанавий дўстлик ва ишонч муҳитида давлатлараро ҳамда минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокамаси учун қулай имконият сифатида қаралмоқда.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг минтақадаги муҳим савдо шеригидир. 2012 йил якунига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб 2,8 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Халқларимизнинг кўп асрлик муштарак анъаналари, урф-одат ва қадриятларига асосланган маданий-гуманитар ҳамкорлик масалалари ҳам давлат раҳбарларининг диққат марказида туради.

Расмий ташрифнинг асосий тадбирлари 14 июнга мўлжалланган.

Аввал хабар қилинганидек, музокаралар якунида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, шунингдек, Ўзбекистон–Қозоғистон ҳамкорлигини турли соҳаларда янада ривожлантиришга қаратилган ўзаро манфаатли икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

**ЎзА**

Сирдарё вилояти

ТАЖРИБАДА ҲИКМАТ КЎП

## СУСПЕНЗИЯ САМАРАСИДА ҲОСИЛДОРЛИК ЯНАДА ОШДИ



**Сайхунобод туманидаги "Қоратой Мирзаев" фермер хўжалигида илғор тажрибалар амалиётга кенг татбиқ этилиши натижасида қатор ютуқларга эришиб келинмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси, Сайхунобод тумани фермерлар кенгашининг раиси, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби Икром Қоратоев олий маълумотли иқтисодчи-агроном, янгиликка интилувчи тадбиркор деҳқонлардан. У раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги аъзолари 145 гектар ерда фаолият юритмоқда. Хўжаликнинг 3 та "МТЗ-80" чопиқ трактори, "ТС-130" русумли юқори унумли ҳайдов трактори, 4 та тиркама, 1 та ОВХ мосламасидан тортиб, чизел моласигача бор.

Мана уч йилдирки, фермер янги ўзлаштирилган, оқар сув етиб бормайдиган 30 гектарлик майдонда ғаллани 4-5 марта суспензия билан озиқлантириш ҳисобига ҳосил етиштириш тажрибасини қўллаяпти.

— Голландияда ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини сувсиз фақат суспензия билан озиқлантириш таржибаси кенг қўлланар экан, — дейди фермер Икром Қоратоев. — Биз ҳам ўтган йили оқар сув етиб бормайдиган ғаллазоримизда шу усулни қўлласак қандай бўлар экан, деган қарорга келдик. Ғаллани суспензия билан озиқлантиришга зўр бердик. Айниқса, майсалар гуллаш, бошоқлаш даврида суспензия аралашмасидан самарали фойдаландик. Ғалла бошоқлагач, пайкалларга суспензия сепиб чиқдик. Натижада авваллари 30 центнер атрофида ҳосил етиштириб келинган майдонлардан ўтган йили 60 центнердан дон ўриб-янчиб олдик. Бу йил эса ушбу тажрибани 82 гектар майдонда тўла қўлладик. Ғаллазорга 5 марта суспензия билан ишлов бердик. Эрта кўкламдан ҳосил пишиб етилгунча ғаллазорни уч марта бегона ўтлардан тозалаб чиқдик. Мана кўриб турганингиздек, бошоқлар бўлиқ бўлди. Насиб бўлса, 70 центнерлик ҳосилни кўзлаб турибмиз.



– Жорий мавсумда 500 гектар ғаллазор ҳосилини саранжомлаб беришни мақсад қилганмиз, – дейди комбайнчи Илҳом Ғаниев. – Айни пайтда бошланган мавсумдан билиниб турибдики, ҳосил мўл бўлибди.

Ғаллачиликда қўлга киритилаётган ютуқлар, илғор тажрибалар хўжалик моддий-техника таъминотини яхшилаш, ишчилар манфаатдорлигини ўстириш билан бирга кўп тармоқли хўжаликни ҳам ривожлантириш имконини бераётир. Икром Қоратоев шу йил кўкламнинг ўзида 5 гектарлик ҳавзага 10 минг дона чавоқ ташлаб, балиқчилик хўжалигини ҳам ташкил этди.

– Балиқларни беда, кўк ўт, буғдой, арпа кепаклари билан озиқлантиряпмиз, – дейди Икром Қоратоев. – Оқ амур, дўнгпешона, сазан балиқларини ҳадемай бозорга чиқара бошлаймиз. Шу йилнинг ўзида истеъмолчиларга 10 тонна балиқ гўшти тортиқ этишни мўлжаллаб турибмиз.

Янги тажрибаларни амалда кенг қўллаётган, оқар сув етиб бормайдиган майдонда ҳам ғалладан мўл ҳосил етиштираётган омилкор фермернинг 63 гектар майдондаги пахтазорида ҳам иш қизғин. Демак, пахтачиликда ҳам юқори кўрсаткичларга эришиш учун замин ҳозирланаётир.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Фурқат ТОШМАТОВ олган суратлар.*

## Куннинг муҳим воқеалари

► Сирдарё вилоятида коллеж ва лицейларга қабул қилинган ҳар бир ўқувчига тераказор барпо этиши учун ер майдони ажратилди. Мазкур ташаббусга кўра жорий йилдан бошлаб коллеж ва лицейларга қабул қилинган ҳар бир ўқувчи камида 500 туп терак кўчати ўтқазиб, уч йил давомида парваришлайди. Ўқишни тугатгач, улар тайёр ёғочбоп теракларни сотиб, тадбиркорликни йўлга қўйиш учун бошланғич маблағ сифатида фойдаланиш ёки бошқа эҳтиёжларига ишлатиш ҳуқуқига эга бўлади.

► **Андижон шаҳридаги "Ишчилар" маҳалласида масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Xonobod-Seul" Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонаси иш бошлади. Пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхонада замонавий технологиялар жорий этилди. Бунинг самарасида 30 хилдан зиёд хотин-қизлар пойабзали ишлаб чиқарилмоқда.**

► Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида "Инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асослари: муаммо ва ечимлар" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда инновацион фаолиятга доир солиқ механизмларининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий базасини шакллантиришда хорижий мамлакатлар тажрибаси, интеллектуал мулк объектларининг долзарб масалалари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

## «БУХОРО» МДҲда ЭНГ ЯХШИ АЭРОПОРТ

**«Аэропорт» халқаро уюшмаси томонидан 2012 йилнинг якунлари бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари аэропортлари ўртасида ўтказилган танловда «Бухоро» халқаро аэропорти «Йилнинг энг яхши аэропорти» деб топилди ва бош совринн — зарҳал Кубок ва биринчи даражали диплом билан тақдирланди.**

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Ўтган йил мобайнида "Бухоро" аэропорти томонидан 121 минг 198 нафар йўловчига хизмат кўрсатилган. Бу 2011 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 18 фоиз кўп демакдир. Юкларни жўнатиш ва қабул қилиб олиш эса 61 фоизга ортиб, 183,7 минг тоннани ташкил этган. Кўрилган даромад ҳам 41 фоизга ошиб, 18 миллиард 881 миллион сўмга тенг бўлган.

Таъкидлаш лозимки, "Бухоро" аэропорти мазкур нуфузли халқаро ташкилот томонидан ўтказилган танловларда уч бора бош совринга эга чиққан ва бир маротаба "Барқарор ривожланаётган аэропорт" номинациясида ғолибликни қўлга киритган эди.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**



17 июнь – Жаҳон чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш куни

# Иҳота дарахтлари – шамолу гармселга қалқон

## ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ, ДЕГРАДАЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА САМАРАЛИ ТАДБИР

**Тупроқ ҳосилдорлигини таъминлашда унинг юқори унумдор қатламини сақлаб қолиш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг асосини суғорма деҳқончилик, яъни сунъий тарзда яратилган экотизим ташкил қилади. Бундай ҳудудларда табиат ўз кучи билан ернинг унумдорлиги, экологик ҳолатини қайта тиклашга бироз ожизлик қилади. Шу сабаб, маълум маънода муҳофазага, ёрдамга муҳтож.**



Маълумки, юқори унумдор қатламнинг йўқолиши ҳамда ҳосилдорлик тушиб кетишининг асосий сабабларидан бири шамол эрозияси ҳисобланади. Хусусан, баҳор кунлари янги ҳайдалган далаларда эсган шамол ерни тез қуритиб юборади. Ҳайдалган ернинг қуриб кетиши тупроқ таркибини ўзгартириб, унда шамол пайти майда дисперс зарралар пайдо бўлади. Бу эса ернинг юқори унумдор қатлами учиб, ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келади. Шунга ўхшаш ҳолат ёзда донли экинларнинг йиғим-теримидан кейин ҳайдалган ерда, жумладан, буғдой ўримидан сўнг ер вегетатив қоплама билан қопланмаган пайтда шамол таъсирига учраганда ҳам кузатилади.

Ёз ойларига хос об-ҳаво — ҳаво намлигининг пастлиги ва ҳароратнинг юқорилиги ҳолатида эсган шамол қишлоқ хўжалиги экинларига бевосита зарар етказиши ҳам мумкин. Масалан, гармсель пайтида ғўзанинг ғунчаси, гуллари ёки уруғдонлари учиши мумкин.

Ўзбекистондаги Глобал Экологик Жамғарманинг Кичик Грантлар дастури доирасида олиб борилган тадқиқотлар бўйича тақдим этилган маълумотларга кўра, мамлакатимиздаги экин майдонларининг 65 фоизи шамол эрозиясига учрайди, сўнгги йилларда тупроқдаги чиринди миқдори 30-50 фоизга тушиб кетган.

> **Иҳота дарахтзорлар даланинг атиги 3 фоиз майдонини эгаллагани ҳолда ҳосилдорликни 15-20 фоизгача ошириш имконини беради**

Бундай ҳолатга қарши курашда экин майдонлари — дала атрофида дарахтзор қаторларидан иборат "қўрғон" ташкил этиш катта самара беради. Ҳисоб-китобларга қараганда, ушбу тадбир қўлланганда ҳудуддаги шамол тезлиги 34-38 фоизгача камайиб, тупроққа яқин ҳаво қатламининг намлиги 5-9 фоизга ошади. Ёзнинг энг иссиқ кунларида эса ҳаво ҳарорати 1-1,5 даражагача пасаяди.

Экин майдонининг шамолдан тўсилиши, ҳароратнинг пасайиши, ерда намликнинг узоқроқ вақт сақланиши каби омиллар микроорганизмларнинг яшаши учун қулай шароит яратади. Бу эса, ўз навбатида, тупроқнинг унумдорлигини оширган ҳолда ҳосил ҳажми ва сифатининг ортишига шароит яратади.

Дарахтзорлар тупроқ таркибини яхшилабгина қолмай, ер ости сувларини назорат қилиш, мелиоратив ҳолатини яхшилашга ҳам хизмат қилади. Хусусан, дарахтларнинг илдизи ер ости сувларини шимиб, барглари орқали буғлантиради. Бу жараён ўсимликларда транспирация деб номланади. Яъни дарахтзорлар табиий дренаж вазифасини ўтаб, минералланган ер ости сувлари сатҳини камайтиради ва тупроқнинг иккиламчи шўрланиши олди олинади.

Дарахтзорлар салқин, баҳаво, хушманзара жойлиги билан, яъни эстетик жиҳатдан ҳам аҳамиятга эга. Бу ерда меҳнаткашлар дам олиши учун шароит яратиш, шийпон ташкил қилиш мумкин.

Дарахтзорлар, албатта, маълум тамойилларга асосланиб барпо этилади. Жумладан, дарахтзор қаторлари бир-бирлари билан узвий боғлиқ бўлган тартибда барпо этилиши лозим. Шамолга нисбатан перпендикуляр жойлашган дарахт қаторлари асосийси ҳисобланади. Шамол кўпинча ўз йўналишини ўзгартиришини ҳисобга олган ҳолда бошқа йўналишдан эсаётган шамолдан ҳимояловчи қўшимча қаторлар ташкил этилиши, "қўрғон"нинг умумий кўриниши тўғри бурчакли тўртбурчак шаклини ҳосил қилиши лозим. Дарахтзорларнинг асосий қатори узун бўлиши керак. Зеро, қатордаги дарахтлар қанча узун бўлса, таъсир доираси ҳам шунча кенг бўлади. Шу сабаб, бу ишда чинор, қайрағоч, терак, шумтол, мажнунтол каби дарахт турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ушбу дарахтлар, айниқса, терак барглари ўзидан фитонцид — касаллик келтирувчи, зарарли микроорганизмларга қарши модда ажратиши билан ҳам аҳамиятли.

Шунингдек, дарахтзорлар барпо этиш умумий экологик ҳолатни яхшилаши, дарахтларнинг хизмат муддати тугаганидан кейин эса ёғоч, ўтин сифатида қурилиш ва бошқа соҳаларда қимматли маҳсулотга айланишини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Дарахтзор барпо этиш учун ажратилиши лозим бўладиган экин майдонини "қизғониб", ўрнида одатий ўсимликни ўстиришни маъқул кўрадиганлар хато қиладилар. Сабаби, дарахтзорлар даланинг атиги 3 фоиз майдонини эгаллагани ҳолда ҳосилдорликни 15-20 фоизгача ошириш имконини беради. Ва, энг муҳими, ернинг унумдорлиги кейинги ҳосилларда ҳам сақланиб қолади.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

○ Эълонлар

*МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!*

## АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Буюртмачи:** Андижон вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси.

*(Андижон шаҳар Навоий кўчаси 45-уй, Тел (998 74) 224-19-97, 224-31-64)*

**1. Андижон тумани Хартум ҚФЙ Ўриксор массивидаги 3407 м. ички йўллар қурилиши.**

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – **1.087.296.710 сўм.**

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚСсиз) – **906.080.592 сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати – **3 ой.**

**2. Асака тумани Илғор ҚФЙ Ахтачи массивидаги 913 м. ички йўллар қурилиши.**

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – **306.543.210 сўм.**

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚСсиз) – **255.452.675 сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати – **2 ой.**

**3. Олтинкўл тумани Олтинкўл ҚФЙ Иттифоқ массивидаги 550 м. ички йўллар қурилиши.**

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – **154.165.730 сўм.**

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚСсиз) – **128.471.441,7 сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати – **2 ой.**

**4. Олтинкўл тумани Кумакай ҚФЙ Кумакай массивидаги 1444 м. ички йўллар қурилиши.**

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – **471.669.350 сўм.**

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚСсиз) – **393.057.791,7 сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати – **3 ой.**

**5. Шаҳрихон тумани Пахтаобод ҚФЙ Антекс ҳудуди Сегазо массивидаги 1055 м. ички йўллар қурилиши.**

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – **491.971.590 сўм.**

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚСсиз) – **409.976.325 сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати – **3 ой.**

**6. Шаҳрихон тумани Пахтаобод ҚФЙ Сегаза массивидаги 255 м. ички йўллар қурилиши.**

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – **139.053.640 сўм.**

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚСсиз) – **115.878.033 сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати – **2 ой.**

**Молиялаштириш манбаси:** республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан.

*Бошланғич қиймати 500 миллион сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади, бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади.*

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолаш ва ўтказишда қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси **Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Андижон ш. Чинобод кўчаси 59-уй, тел.факс: 226-72-02.

Бир тўплам танлов ҳужжатларини нархи: 70 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишни охирги муддати офёрталар очилиш куни ва соати, танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилган санадан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

## ИК ПО КС ХОКИМИЯТА НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ ПОВТОРНО ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ НА ОБЪЕКТ: ЛОТ № 19.

**Лот № 19-1. "Селезащитные мероприятия по защите населенного пункта "Тасмачи" при пересечении Тасмачисая с каналом "Шават" в Хатырчинском районе Навоийской области".**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 219 127 100 сум, с НДС 262 952 520 сум.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **3 месяца.**

**Заказчик** ИК по КС хокимията Навоийской области.

**Расположенный** г.Навои, ул.Навои-63.

**Финансирование осуществляется за счет** средств государственного бюджета.

*(конкурсные торги проводятся исключительно среди организаций малого бизнеса)*

**Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям:** оборотные средства в раземере не менее 20 % от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматривается следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г.Навои ул.Гвасалия-2А, тел.: 225-49-96, 225-47-98.

**Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум.**

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Навои ул.Гвасалия-2А, тел.: 225-49-96, 225-47-98.

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 15 дней после опубликования объявления.

○ Эълонлар

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ
### ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2013 йил 16 июль куни соат 11:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидаги ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда жойлашган **Ҳукуматга қарашли бўлмаган "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасига** қарашли 2012 й. и/ч "Нексия" русумли, д/р 01 919 ZBA, бошланғич баҳоси 28 738 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилади.

Мазкур автотранспорт воситаси 2013 йил 16 июль кунида сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2013 йил 23 июль, 30 июль ва 6 август ҳамда ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аукцион савдоси ғолиблари томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 2 (икки) фоизи миқдорида комиссион йиғим тўланади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 18:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 11:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Universal Auktsion Invest" МЧЖнинг ОАТ "Турон" банк Ҳамза филиалидаги МФО: 01083, СТИР: 302083379, 20208000004932168025 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Аукцион савдоси ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Мурожаат учун тел.: 236-74-67, Факс: 236-26-65.

***Гувоҳнома № 004059***

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти Данғара тумани ҳокимининг 28.05.2013 йил кунги 163-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи такроран танлов савдосига қўйилмоқда.**

**1.** Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи биноси қуриш учун Данғара тумани Данғара ШФЙ Пишкарон МФЙ 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони 700 кв. м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 320 740 сўм.

**2.** Чиқинди пахтани қайта ишлаш цехи биноси қуриш учун Данғара тумани Данғара ШФЙ Пишкарон МФЙ 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони 5 000 кв. м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 2 291 000 сўм.

**3.** Автотеххизмат биноси қуриш учун Данғара тумани Данғара ШФЙ Пишкарон МФЙ 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони 800 кв. м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 366 560 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Данғара тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади, 13:00 дан 14:00 гача тушлик ва 2013 йил 4 июль куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Данғара тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 5 июль куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 5 июль куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

**II. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани ҳокимининг 08.06.2013 йил кунги 1027-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танлов савдосига қўйилмоқда.**

**1.** Маиший хизмат ва сервис хизмати мажмуаси биноси қуриш учун Ўзбекистон тумани Яйпан шаҳар Ғалаба кўчаси 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони 2 000 кв. м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 660 123 сўм.

**2.** Ишлаб чиқариш цехи биноси қуриш учун Ўзбекистон тумани Шўрсув шаҳарчаси 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони 2 000 кв. м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 660 123 сўм.

**3.** Ёғочни қайта ишлаш цехи қуриш учун Ўзбекистон тумани Охунбобоев ҚФЙ Қирққетмон қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони 800 кв. м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 264 049 сўм.

**4.** Автосервис ва маиший хизмат мажмуаси қуриш учун Ўзбекистон тумани Охунбобоев ҚФЙ Бешкапа паён қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони 500 кв. м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 165 030 сўм.

**5.** Сунъий қопламали футбол майдони қуриш учун Ўзбекистон тумани Охунбобоев ҚФЙ Яккатут қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони 1 500 кв. м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 495 092 сўм.

**6.** Молхона қуриш учун Ўзбекистон тумани Овчи ҚФЙ Тўлаш қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони 3 000 кв. м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 990 184 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Ўзбекистон тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади, 13:00 дан 14:00 гача тушлик ва 2013 йил 17 июль куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Ўзбекистон тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 18 июль куни соат 14:00 да очилади, 2013 йил 18 июль куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Халқ банки" Фарғона вилояти филиали амалиёт бўлимидаги: МФО 00497, СТИР 207122 519, 20208000004920609011 ҳ/р га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

**Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:**

*- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;*

*- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.*

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:** Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Б.Марғиноний кўчаси 35-уй, "Биржа маркази" биноси. Тел/факс: (8-373) 224-68-69 rieltsavdo@inbox.uz www.1kms.uz. **Лицензия** RR 0001.

Қашқадарё Вилояти

**Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номли вилоят мусиқали драма театрида фуқаролар йиғинларининг "Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

## ЭНГ НАМУНАЛИ МАСЛАҲАТЧИ АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танловда шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган 14 нафар маслаҳатчи иштирок этди.

Қатнашчилар ўз чиқишларида маҳаллалари тарихи, ўзига хос турмуш тарзи ва маданиятини очиб беришга ҳаракат қилдилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни ҳамда маҳалла фаолиятига оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар юзасидан ўз билимларини намойиш этдилар.

Танловда биринчи ўрин Шаҳрисабз туманидаги Наврўз маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Соҳиба Пардаевага насиб этди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ**

# БИР ҲОВУЧ ДОН – БИР САВАТ НОН



Ҳазрат Навоий таъриф этади;

*Деҳқонки, дона сочар, дон сочмоқ била ризқ йўлин очар...*

Бир томчи сув дунёни айланиб чиқишини ҳаммамиз яхши биламиз. Худди шундай бир дона буғдойнинг ерга сепилишидан то нонга айлангунича қанча кишининг меҳнати кетишинию қанча жонзотга ризқ улашишини биласизми?

Алихонтўра Соғуний "Тарихи Муҳаммадий" асарида машойихларнинг шундай ҳикматини келтиради: "Ҳар бир банданинг ейдирган бир парча нони олтмиш қўлдан ўтиб, унинг оғзига тушадур".

Дарҳақиқат, дона дон ерга тушгунча ерни шудгорлаш, уруғни тайёрлаш талаб этилади. Уруғ экилиб, майсалар парваришида бевосита иштирок этадиган кишиларни ҳисобласак, бу миқдор янада ортади. Ўрим-йиғим ишлари, хирмон чошлашу донни сақлаш, сўнгра тегирмон, ахийри, новвой қўлларида тандирдан узилгунча яна ўнлаб киши меҳнати зарур. Нонни бозорга элтмоқ, дастурхонга тортмоққа ҳам яна бир неча киши меҳнат сарф этади. Бу жараёнда қанча киши тирикчилигини ўтказиб, қанча киши оиласини тебратади.

Шу боис ҳам, халқимиз нонни улуғ неъмат билади. Донни азиз тутади. Унинг увол бўлишини олдини олади. Бу ривоятларимизда ҳам ўз аксини топган.

Бир киши қўшнисининг олдига дон қарз сўраб борибди. У томда ғалла совураётган экан. Шунда бир дона буғдой юмалаб ерга тушибди. Буни кўрган қўшни пастга тушиб, бояги буғдой донасини топиб, хирмонга қўшибди. Кузатиб турган киши қарз сўрагани юраги чопмай ортга қайта бошлабди. Шунда қўшни уни тўхтатиб, мақсадини билгач, бир халта буғдой берибди. Бундан ажабланган киши "бир дона дон учун томдан тушдингу, менга бир халта буғдойни бериб юборяпсан" дея сўрабди. Шунда қўшни "улкан хирмоннинг баракасини бир дона буғдой белгилайди-да" деган экан.

Яна ҳазрат Навоийдан иқтибос келтирамиз:

*Деҳқонки, тузлик била*
*дона сочар,*
*Ҳақ бирига етти юз*
*эшигин очар...*

Бу жумлалар ҳам ҳақиқат эканлигини, деҳқон донининг баракаси мўллигини оддий бир мисолда кўришимиз мумкин. Бир дона дон униб чиқса, майса ўн саккиз-йигирматагача тўплайди. Ҳар тупдаги бошоқда қирқдан зиёд дон бўлади. Демакки, тадрижий ҳисоб-китобда ҳам кўринадики, бир дона бошоқ етти юзга етиши мумкин.

Ушбу мисолни янада ёрқинроқ лавҳада кўриб чиқамиз. Даниэл Дефонинг "Робинзон Крузо" асарида шундай лавҳа бор. Оролда қолиб кетган Робинзон бир ҳовуч буғдой топиб олади. Топиб олдию ҳисоб-китоб этмоққа тушади. "...Бир йилда етмиш ҳовуч бўлса, икки-уч йилда нон тайёрламоқ имконига эга бўлар эканман".

Ҳа, бир ҳовуч дон – бир сават нон. Деҳқоннинг иши шундай шарафли, шундай улуғ.

Носир Хисрав айтганидек,

*Жаҳон хуррамлигин боиси*
*деҳқон,*
*Унинг бирла экинзор*
*боғу бўстон.*
*Бу ишдан яхши оламда*
*не бордур,*
*Бу иш Одам Атодин ёдгордур.*

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ**

## «101» ОГОҲЛАНТИРАДИ

**Ғаллакорларимизнинг меҳнатлари самараси бўй кўрсатмоқда. Ғаллазорлардаги бўлиқ бошоқлар бу йил ҳосил мўл бўлганлигидан далолат бермоқда. Ушбу ҳосил ортида машаққатли меҳнат, тажрибаю омилкорлик борлигини барчамиз ҳар дам ҳис этиб туришимиз даркор. Ғаллакорларимиз етиштирган ҳар бошоқдаги донни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишга қаратилган чора-тадбирларда барчамиз масъулиятни бир дам унутмаслигимиз керак. Жумладан, ёнғин хавфсизлигини ҳам.**

# ҲОСИЛНИ АСРАШ РИЗҚИМИЗНИ АСРАШ ДЕМАКДИР

Ёнғин нима сабабдан юзага келиши мумкин? Энг аввало, ушбу саволни ҳар биримиз ўзимизга қўйишимиз ва унинг олдини олиш учун ҳаракат қилишимиз лозим. Келинг, бу ҳолатларни таҳлил этган ҳолда фикримизни давом эттирамиз.

Катта йўлга яқин жойлардаги ғалла майдонларида йўлдан ўтаётган автоуловларда кишиларнинг ўчирилмасдан ташлаб юборган сигареталари чўғидан йўл четидаги қуруқ ўт, хас-хашаклар ёниши, натижада ёнғин ғаллазорларга етиб бориши мумкин.

Бундай ҳолатларни олдини олиш учун эса темир йўллари, шоссе ва дала йўлларига яқин жойлардаги ғалла майдони четларидаги 8 метр кенгликда ғалла поялари ўриб олиниб, шундан 4 метр кенгликдаги қисми шудгорланиши лозим. Ғаллазорлар орқали ўтадиган дала йўлларини эса ҳосил йиғиштириб олингунга қадар беркитиб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Кейинги ҳолатда эса бевосита ғалла майдонларининг ўзида ҳаракатланаётган техникалар, транспорт воситаларидан чиққан учқун туфайли ёнғин содир бўлиши мумкин.

Шу боис, мавсумга жалб этилган барча техникаларнинг учқун ўчиргичлари созлигини мавсум давомида назорат қилиб бориш керак. Мавсумга жалб этилмаган барча техникаларнинг далага кириши мумкин эмас.

Баъзида ғалласи ўриб олинган майдонларни иккинчи экин экишга тайёрлаш жараёнида сомон ва поялардан тозалаш учун атайлаб ўт қўйиб юборилади. Натижада юзага келган аланга қўшни далаларда экилган, ҳали ўриб олинмаган ғалла майдонларига ҳам хавф солади.

Афсуски, бу каби ҳолатлар ва уларнинг ачинарли асоратлари кўп бора кузатилмоқда. Шунинг учун ғалладан бўшаган майдонларни ёқиш қатъий тақиқланади. Майдонларни тозалаш фақат шудгорлаш орқалигина амалга оширилиши керак.

Биламиз-ки, ёзнинг жазирама кунларида қовжираган хас-хашаклар, хусусан, сомоннинг ўзи ҳам худди порох сингари ёнади. Бунда комбайн ўроқларининг даладаги бирор тош ёки металл бўлагига тегиб кетиши ҳам учқун чиқиб, ёнғинга сабаб бўлади.

Шундай ёки бошқа тасодифий ҳолатларга қарши туриш учун ғалла майдонлари эгалари доимо назорат қилиб юришлари ва ўрим бошланмасдан олдин содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинни тезда бартараф этиш учун комбайннинг ўзида 2 та ёнғин ўчиргич, 4 та белкурак, 6 та супурги (ёки швабра), 2x2 м ҳажмдаги кигиз ёки брезент, 40-100 литр сув, 2 та челак бўлиши шарт. Бундан ташқари, ўрилаётган ғалла майдони четида омочли ҳайдов трактори соз ҳолатда туриши керак. Имкониятга қараб тиркамасида катта сиғимли суви бўлган, 5-6 челак ва сувга ботириб олиб содир бўлган ёнғинни уриб ўчиришда фойдаланиш учун эски латталар (эски чопон, шолча сингари) билан таъминланган трактор навбатчилиги ташкил этилиши лозим.

Дон сақлаш омборлари ва хирмонларда ёнғин хавфи асосан электр таъминоти носозликлари, нуқсонли ғалла юклаш-тушириш кичик механизмларини ишлатиш, хирмон ҳудудида сигарета чекиш ва очиқ оловдан фойдаланишга йўл қўйиш оқибатида келиб чиқиши мумкин.

Бунинг учун хирмон ҳудудидаги ёнғинга қарши қалқонларнинг ҳар бирида бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан камида 2 та белкурак, металл илгак, 2 дона челак, 2 дона ёнғин ўчиргичлар бўлиши, қалқон ёнида эса сув тўлдирилган бочка ва қумли қути бўлиши, мавжуд ёнғин ўчириш техникаларининг доимий жанговарлиги назорат остида сақланиши таъминланиши шарт. Мавсум олдидан барча техникаларнинг созлиги текширилиб, мавсум давомида назорат остида ишлатилиши ва ишчи-хизматчилар ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этишлари шарт. Омбор ҳудудида сигарета чекишга йўл қўйилмаслиги, очиқ оловдан фойдаланиш ва овқат тайёрлаш ишлари ҳудуддан ташқарида бажарилиши лозим.

Ғаллакорларимиз етиштирган ҳар бошоқдаги донни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишга барчамиз масъулмиз. Зеро, бу ҳосил – ризқимиз – нонимиз. Ҳосилни асраш эса ризқимизни асраш демакдир.

**Улуғбек ВАФОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси муҳандиси, капитан.**

○ **Реклама ва эълонлар**



















ООО "LOLA BUYUK KUCH" (ИНН 207080303), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского р-на г. Ташкента (реестр № 004628-03 от 31.05.2010 г.), расположенное по адресу: ул. Мироншох д. 1А кв-ра 14, ликвидируется (протокол № 8 от 12.06.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.

ООО "APRIL TOUR" (ИНН 207180606), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на (рег. № 008752-08 от 10.04.2013 г.), расположенное по адресу: ул. Лутфий д. 10, ликвидируется (решение учредителя № 1 от 12.06.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.

Утерянную лицензию на розничную торговлю за № 013065, выданную торговым департаментом хокимията Учтепинского р-на на ООО "TAI YANG", считать недействительным.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (27.07.2012 й., реестр № 005270-01) давлат рўйхатидан ўтган "ECO-STUFF" МЧЖ (СТИР 302354135) 13.06.2013 й.даги таъсисчининг 2-сонли қарорига асосан тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 93 584-16-26; 170-69-00.

ЧП "BINAFSHA" (ИНН 200622368), зарегистрированное ИРСП хокимията Алмазарского р-на (28.02.2012 г. № 004574-05), расположенное по адресу: г. Ташкент Алмазарский р-н ул. Зиё д. 5 (решением о добровольной ликвидации № 3 от 10.06.2013 г.), ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по тел.: (+99893) 564-70-35.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (реестр № 000466-01, 29.12.2004 й.) давлат рўйхатидан ўтган "ISROIL XOJI OTA QIZI" ХК (СТИР 205318661) 13.06.2013 й.даги таъсисчининг 3-сонли қарорига асосан тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 316-96-74.

Тошкент ш. Миробод т. ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "AKBARSHOX ALADIK" ХК ташкилий-ҳуқуқий шакли "AKBARSHOX ALADIK"МЧЖга ўзгартирилганлигини маълум қилади. Даъволар 943-11-91 тел. орқали қабул қилинади.

Шайхонтоҳур т. Турар-жой бинолар кадастр хизмати томонидан Шермухамедов Рахматулла Садикович номига Кизил Гунча 3-берк кўча 27-уй учун гаров расмийлаштиришга (№ 629, 21.02.2011 й.) берилган маълумотнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлиги томонидан 31.01.2005 й.да № 4722 сон билан "АРАСТУ" хусусий дорихонасига фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензия ва 09.03.2005 й.да берилган 4940/4374-05 сонли лицензия битими йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент фармацевтика институти томонидан 2009 й.да Сиддиқов Бекмуроджон Тошқўзи ўғли номига берилган № 294051 (қайд рақами 0009) бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

СП ООО "RSH OIL GROUP" (ИНН 206945143), зарегистрированное Министерством Юстиции Республики Узбекистан г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент М.Улугбекский р-н ул. Темур Малик д. 2 "Б", ликвидируется (решение учредителей от 13.06.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги жамоаси агентлик мутахассиси Санжар Маҳаммедовга падари бузруквори **РАҲМОНБЕРДИ ОТА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7021

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
**Қабулхона** — 236-26-50, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 236-26-49, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-26-47, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 233-44-43, **Факс** — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: **Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 247-29-59; **Жиззах** – (+99890) 297-44-09; **Навоий** – (+99891) 537-14-36; **Наманган ва Фарғона** – (+99890) 278-95-87; **Самарқанд** – (+99891) 537-24-95; **Сирдарё** – (+99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (+99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

**Реклама ва эълонлар:** 236-26-50, 233-28-04.

**Навбатчи муҳаррир:** А.НУРУЛЛАЕВ
**Мусаҳҳиҳ:** О.ОЧИЛОВ
**Дизайнер:** М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-614, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.55
22026 нусхада босилди. Нашр индекси — 144
**Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
**E-mail:** info@qishloqhayoti.uz
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 5